

Миллий либослар – қадриятларимиз қўрки

Учкўприк тумани оила ва хотин-қизлар бўлими, Маънавият ва маърифат маркази ҳамда 1-сонли касб-хунар мактаби ҳамкорлигига "Миллий либослар – қадриятларимиз қўрки" мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Хотин-қизлар ўртасида миллий либосларимиз ва қадриятларимизни тарғиб этиш мақсадида ташкилланган тадбирда халқимизнинг кўп асрлик ўтмиш маданияти, урф-одат ва анъаналари, диди, эстетик қарашлари, шунингдек, ташқи қиёфа ва либос борасидаги ўзига хос хусусиятлари яна бир бор намойиш этилди.

Тадбирда миллий матолардан тикилган замонавий либослар барча ёшдаги ўзбек қиз-аёлларига ярашиши, қолаверса, бу каби кийимлар халқимиз, айниқса, ёшларимизда миллий қадриятларимизга бўлган ҳурмат туйғуларини янада юксалтириши таъкидланди.

2025-01-14 09:23:55